



NAVOIY VILOYATI TOMDI TUMANI HOKIMINING QARORI

210800, Tomdi tuman, Yangi Tomdi qo'rg'oni, tel: (79) 582-13-13, fax: 582-13-22, e-mail: tomdi@nv.uz

2022 - yil 30 - sentabr

112-5-75-Q/22

Tomdi tumani hokimligi

Ижтимоий муҳофазага мухтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2023 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ-642-сонли “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ти Конуни (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.20.2020 й., 03/20/642/1396-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ-641-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуqlари тўғрисида”ти Конуни (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.10.2020 й., 03/20/641/1389-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага мухтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида”ти Низом (Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ти Конуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6-моддаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 18 июлдаги 01/00-03/16-6318-сонли хатига асосан **ижтимоий муҳофazaga mukhtoj, ish topishda qiyinalaётgan va mehnat bozorida teng shartlarda rəqobatlaشا olmайдigani shahslarni 2023 yilda ishga joylashтириш учун ish ўrinlарinинг энг kam sonini belgilaş va zaҳiraga қўyishi maqsadiدا,**

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича маҳсус комиссия таркиби 1-иловага, туман бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2023 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сонининг 5 фоизи миқдорида, бу 44 кишини (2-иловага мувофиқ) ташкил этади.

Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 11,36 фоиз (5 киши);

умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 79,5 фоиз (35 киши);

ногиронлиги бўлган шахслар учун 4,5 фоиз (2 киши);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 2,2 фоиз (1 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун 2,2 фоиз (1 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2022 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойларини умумий миқдорининг камида 25 (йигирма беш) фоизи учун, 2023 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 (етмиш беш) фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидағи маълумотларни ва мазкур қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Иш ўринларини банд қилган корхона ва ташкилотлар томонидан 2023 йил 1 апрелига қадар банд қилинган иш ўринларини Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш амалга оширилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилиши ёки банд қилиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария-гигиена нормаларига ва ҳодим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 22-бандига мувофиқ жарима солиниши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳукуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш маркази (А.Ешжанов) бир хафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасаларга

етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2021 йил 13 октябрдаги 48-5-75-Q/21-сонли қарори 2023 йил 1 январдан ўз кучини йўқотиши белгилаб қўйилсин.

10. Мазкур қарор туман “Тамды шаруагері” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг “Tomdi.uz” расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Ўмаров ва туман ахоли бандлигига қўмаклашиш маркази директори А.Ешжанов зиммасига юклансин.

12. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими



Қ.Алдабергенов

Tomdi tuman hokimining
2022 yil 30 sentabrdagi
112-5-75-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**Белгиланиши керак бўлган иш ўринларининг энг кам сонини ва уларга
қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича маҳсус комиссия
ТАРКИБИ**

T/p	Ф. И. Ш	Лавозими
1.	О.Умаров	Туман ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи, комиссия раиси
2.	А.Ешжанов	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори, комиссия раиси ўринбосари

АЪЗОЛАРИ

3.	Р.Ескабулов	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи
4.	М.Норқулов	Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
5.	М.Базарбаев	Туман Халқ таълими бўлими мудири
6.	Ж.Ходжаев	Ижтимоий мослашув маркази туман бўлими бошлиғи
7.	Х.Данбаев	Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг ишсизларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш шуъбаси бошлиғи, комиссия котиби

Изоҳ: комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар комиссия аъзоси ҳисобланади.

Tomdi tuman hokimining
2022 yil 30 sentabrdagi
112-5-75-Q/22-son qaroriga
2-ilova

**Туман бўйича ижтимоий муҳофазага мухтоҷ ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш
ўринларини 2023 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар**

РЎЙХАТИ

№	Ижтимоий муҳофazага мухтоҷ , иш топишда қийналаётган ва мехнат бозорида teng шартларда ракобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этлаётган корхона ва ташкилотлар номи	Келгуси 2023 йилга захирага кўшиш таклиф этлаётган иш ўринлари сони	Штат жадвали бўйича ходимлар-нинг умумий сони	Шу жумладан						
				14 ёшгача ва ногирон ёлғиз ва кўп болали ота оналар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Умумий ўрта максус , қасб- хунар таълими муассасалари-нинг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Куролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бушатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсия олди ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг карорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари кўлланилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Одам савдоси курбонлари учун банд қилинган иш ўринлари сони
1.	Туман Тиббиёт бирлашмаси	259	12	2	9	0	1	0	0	0
2.	Туман Ободонлаштириш бошқармаси	65	2	1	1	0	0	0	0	0
3.	Туман 2-сонли табиий фанларни чукурлаштириб ўқитишига иҳтинослаштирилган мактаб-интернати	45	2	0	2	0	0	0	0	0

4.	Туман 1-сонли ихтисослаштирилга н давлат умумтълим мактаби	48	2	0	2	0	0	0	0	0
5.	Туман 3-сонли умумий ўрта тълим мактаби	39	1	0	1	0	0	0	0	0
6.	Туман 4-сонли умумий ўрта тълим мактаби	35	1	0	1	0	0	0	0	0
7.	Туман 5-сонли умумий ўрта тълим мактаби	30	1	0	1	0	0	0	0	0
8.	Туман 6-сонли умумий ўрта тълим мактаби	36	1	0	1	0	0	0	0	0
9.	Туман 7-сонли умумий ўрта тълим мактаби	35	1	0	1	0	0	0	0	0
10.	Туман 8-сонли умумий ўрта тълим мактаби	37	1	0	1	0	0	0	0	0
11.	Туман 9-сонли умумий ўрта тълим мактаби	37	1	0	1	0	0	0	0	0
12.	Туман 10-сонли умумий ўрта тълим мактаби	36	1	0	1	0	0	0	0	0
13.	Туман 11-сонли умумий ўрта тълим мактаби	28	1	0	1	0	0	0	0	0
14.	Туман болалар мусиқа ва санъат мактаби	23	1	0	1	0	0	0	0	0
15.	Туман 13-сонли умумий ўрта тълим мактаби	31	1	0	1	0	0	0	0	0
16.	Туман 17-сонли умумий ўрта тълим мактаби	32	1	0	1	0	0	0	0	0
17.	Туман 16-сонли умумий ўрта тълим мактаби	30	1	0	1	0	0	0	0	0

18.	Туман 12-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	1	0	1	0	0	0	0	0
19.	Туман 15-сонли умумий ўрта таълим мактаби	38	1	0	1	0	0	0	0	0
20.	Туман давлат ўрмон хўжалиги бўлими	45	2	1	1	0	0	0	0	0
21.	Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	41	2	0	2	0	0	0	0	0
22.	Туман маданият бўлими	30	1	0	1	0	0	0	0	0
23.	Туман ўйлардан фойдаланиш унитар корхонаси	108	5	1	1	0	1	1	1	0
24.	Туман халқ таълими бўлими	33	1	0	1	0	0	0	0	0
	Туман бўйича жами:	1179	44	5	35	0	2	1	1	0